

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**УРАЛОВ БАХТИЁР РАХМАТУЛЛАЕВИЧ**

**НАСОС СТАНЦИЯСИ МАШИНА КАНАЛИНИНГ ҒАДИР-БУДУРЛИГИНИ ВА  
ЎЗАН МОРФОМЕТРИК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ГИДРАВЛИК ҚАРШИЛИККА  
ТАЪСИРИНИ НАЗАРИЙ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АСОСЛАШ**

**05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации**

**Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Уралов Бахтиёр Рахматуллаевич**

Насос станцияси машина каналининг ғадир будирлигини ва ўзан  
морфометрик элементларини гидравлик қаршиликга таъсирини назарий  
ва экспериментал асослаш..... 3

**Уралов Бахтиёр Рахматуллаевич**

Теоретическое и экспериментальное обоснование влияния  
шероховатости и морфометрических элементов русла на  
гидравлическое сопротивление машинных каналов насосных станций... 27

**Uralov Bakhtiyor Raxmatullaevich**

Theoretical and experimental substantiation of the influence of roughness  
and morphometric elements of the channel on the hydraulic resistance of  
machine channels of pumping stations..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 54

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**УРАЛОВ БАХТИЁР РАХМАТУЛЛАЕВИЧ**

**НАСОС СТАНЦИЯСИ МАШИНА КАНАЛИНИНГ ҒАДИР-  
БУДУРЛИГИНИ ВА ЎЗАН МОРФОМЕТРИК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ  
ГИДРАВЛИК ҚАРШИЛИККА ТАЪСИРИНИ НАЗАРИЙ ВА  
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АСОСЛАШ**

**05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси  
ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**

**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.4.DSc/T407 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Базаров Дилшод Райимович**  
техника фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:** **Эшев Собир Саматович**  
техника фанлари доктори, профессор.

**Махмудов Илхом Эрназарович**  
техника фанлари доктори, профессор.

**Хужаев Исматилла Кушаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент архитектура қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 йил соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел: (+99871)-237-22-67, факс: (+99871) 237-54-79. e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (+99871)-237-19-45

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З.Султонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор.

**Ф.А.Гаппаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент.

**А.М.Фатхуллоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раис ўринбосари, т.ф.д., доцент.

## Кириш (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кўплаб гидротехника, гидроэнергетика иншоотлари ва насос станцияларининг сув етказиб берувчи машина каналларини такомиллаштирилган конструкцияларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида суғориш насос станцияларининг сув етказиб берувчи машина каналларидаги напор исрофини ва гидравлик қаршиликлари камайтирилган оптимал конструкцияларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, суғориш насос станциясининг сув етказиб берувчи машина каналларидаги напор исрофи ва гидравлик қаршиликларни камайтирувчи самарали конструкциялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда суғориш насос станцияларининг сув етказиб берувчи машина каналларидаги напор исрофини ва гидравлик қаршиликларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича илмий асосланган ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада сув етказиб берувчи машина каналларидаги очиқ оқимнинг кўндаланг кесими шаклини ҳисобга олган ҳолда узунлик бўйича напор исрофи тўғрисидаги масалани махсус геометрик параметр ёрдамида аниқлаш, насос станцияларининг сув етказиб берувчи машина каналларидаги напор исрофини ва гидравлик қаршиликларни камайтириш бўйича иншоотларнинг конструктив ечимларини танлаш, напор исрофи катталигига машина каналлини гадир - будурлиги ва ҳаракатдаги оқим кесими шаклининг таъсирини аниқлаштириш бўйича янги экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ҳамда уларни илмий асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда, суғориш насос станциясини ишончлилик даражасини ва ишлаш муддатини ошириш бўйича, насос станциясининг сув етказиб берувчи машина каналларидаги напор исрофи ва канал ўзанини гидравлик қаршиликларни камайтириш, ҳамда такомиллаштирилган конструкцияларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорация ва ирригация объектларини ривожлантириш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, ирригация ва қишлоқ хўжалиги иқтисодийнинг барча соҳаларини сув билан барқарор ва ишончли таъминлаш мақсадида, сув хўжалиги ирригацияни ривожлантириш, сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни инобатга олиб, суғориш насос станцияларининг сув етказиб берувчи машина каналлари ва иншоотларини такомиллаштирилган конструкцияларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежаш» ва V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Канал ўзанларида оқимнинг очиқ ҳаракатида гидравлик қаршилиқларнинг қонуниятларини ва ўзан жараёнларининг гидравлик ҳисобларини аниқлаштириш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар билан чет эл ва республикамизда қуйидагилар шуғулланганлар: И.И.Леви, Р.Р.Чугаев, М.А.Великанов, М.В.Потапов, Г.В.Железняков, А.В.Караушев, Н.В.Гришанин, И.В.Попов, В.С.Алтунин, А.А.Турсунов, А.Д.Гиргидов, В.П.Троицкий, Ц.Е.Мирцхулава, Ю.А.Иббазиде, В.М.Ляхтер, А.Н.Милитеев, Р.М.Каримов, К.Ш. Латипов, М.Р.Бакиев, Э.Ж.Махмудов, Д.Р.Базаров, А.М. Арифжанов, Ф.Ҳакимов, С.С.Эшев, И.Э.Махмудов ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган.

Сув келтирувчи каналларга ва иншоотларга тўғонсиз сув олиш муаммоларининг гидравлик тадқиқотларини ўрганиш билан уларнинг ичида С.Т.Алтунин, С.Х.Абальянц, А.М.Мухамедов, Х.А.Ирмухамедов, Х.А.Исмагилов, И.А.Бузунов, Р.Уркинбаев, Ж.Кучкаров, Д.Р.Базаров ва бошқалар, маълум даражада натижаларга эришган, улар амалиётга жорий этилган. Гидротехника қурилиши соҳасида ва гидротехник иншоотлар эксплуатациясининг назарий масалаларига кўп эътибор қаратилган. Ушбу йўналишда илмий тадқиқотларни Ц.Е.Мирцхулава, И.Н.Ивашенко, С.Г.Шульман, Д.В.Стефанишин, О.М.Финагенов (Россия), М.М.Мирсаидов, М.Р.Бакиев, Э.Ж.Махмудов, Т.З.Султанов, А.А.Янгиев, Х.Файзиев (Ўзбекистон) ва бошқалар олиб борганлар. Сув ўтказувчи каналлар ва иншоотлар конструкцияларини мақбуллаштириш, уларнинг ишончлилиги масалалари бўйича К.Р.Аллаев, Ш.Х.Рахимов, Т.С.Камалов, О.Я.Гловацкий, М.М.Мухаммадиев, М.Мамажанов, Р.Р.Эргашев, Б.Уришев, У.У.Жонқобилов ва бошқалар таъкидлашicha, насос станцияларининг эксплуатациясида самарадорлик ва ишонччилик кўрсаткичларини ошириш, сув олиб келувчи машина каналларнинг конструктив ечимларини яратиш албатта зарурдир.

Ҳозирги вақтда насос станцияларининг сув қабул қилувчи каналлари ва иншоотлари ишлашининг гидравлик шароитларини яхшилаш бўйича олиб борилган гидравлик тадқиқотлар натижасида эгри чизиқли фронтли сув олишнинг сув қабул қилгичли машина каналларнинг айрим конструкциялари ишлаб чиқилган ва оқимнинг асосий характеристикаларини аниқлаш бўйича

математик моделлар келтирилган (Болонья Италия, Бордо Франция, Санкт-Петербург политехника университети Россия). Ҳозирги даврда насос станцияларининг сув келтирувчи машина каналини янги такомиллашган тузилмаларни компоновка қилиш, бирлаштириб яратиш, шунингдек янги конструктив ечимларни қабул қилиш ва насос станциялари сув келтирувчи машина каналларининг гидравлик жараёнларни ўрганиш ва муҳандислик амалиётида ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий тадқиқот ишлари режасининг 19/2009 - «Рекомендации по улучшению условий эксплуатации головного сооружения и района бесплотинного водозабора в Аму-Бухарском Машинном канале» ва №ГА–КХФ-5-001-1 “Ирригация насос станцияларида сувнинг беқарор ҳаракатини бошқариш технологиясининг меъёрий қийматларини аниқлаш” давлат гранти мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** насос станция сув келтирувчи машина каналларида напор исрофи катталигига каналнинг жонли кўндаланг кесими шаклининг таъсирини ҳисобга олиш усуллари ва уларнинг конструктив элементларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

-очиқ барқарор сув ҳаракатида узунлик бўйича напор исрофи тўғрисида экспериментал маълумотларни урганиш ва таҳлил этиш;

-“тўғри” шаклли ўзанларга тааллуқли маълумотларни ажратиш ва уларни таҳлил этиш;

-“тўғри” шаклли ўзанлар ҳолатида узунлик бўйича напор исрофи маълумотларини умумлаштириш учун зарурий қўшимча экспериментал тадқиқотларни ўтказиш;

-напор исрофи катталигига канал ҳаракатдаги кесими шаклининг таъсирини аниқлаштириш: “силлиқ” хўлланган юзали ҳолатида; каналнинг ғадир-будирликли хўлланган юзали ҳолатида;

- очиқ оқимнинг кўндаланг кесими шаклини ҳисобга олган ҳолда узунлик бўйича напор исрофи тўғрисидаги масалани махсус геометрик параметр ёрдамида умумлаштириш;

- очиқ барқарор сув ҳаракатида узунлик бўйича напор йўқотилишини амалий ҳисоблаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Амударё дарёси ўзанидан тўғонсиз сув олиш ҳудудидаги Аму-Бухоро машина канали (АБМК) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** насос станциясига сув келтирувчи машина канали ҳудудида кечадиган гидравлик ва ўзан жараёнлари, ҳамда гидродинамиканинг асосий тенгламалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида экспериментал, дала кузатувлари усуллари, ҳамда гидравликада қабул қилинган қонуниятлар ва гидромеханика қонуниятлари асосида физик моделларни яратиш ҳамда улар ёрдамида илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

-насос станциялари сув келтирувчи машина каналларининг эксплуатацион режимини ҳисобга олиб, оқимнинг секин ўзгарувчан ҳаракатини таъминловчи ҳисоб усули такомиллаштирилган;

-насос станцияларининг эксплуатация режимини яхшилаш учун сув келтирувчи машина каналлар ўзанининг мақбул, оптимал параметрларини ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

-насос станциянинг сув келтирувчи машина каналлари ва сув қабул қилувчи камералар мақбул параметрларини танлаш гидравлик ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

-насос станциянинг сув келтирувчи машина каналининг гидравлик каршилиқларни камайтириш ва аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

-насос станциянинг сув келтирувчи машина каналининг оптимал кундаланг кесимини ва сув қабул қилиш бўлинмаларини конструктив ўлчамларини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

-ўзанда сув оқими ҳаракатини ёритувчи математик модель такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

назарий, экспериментал ва дала кузатувлари тадқиқотлари натижалари насос станцияларининг эксплуатацион режимини ҳисобга олиб, сув келтирувчи машина каналининг мақбул параметрлари, насос станциясининг сув келтирувчи машина канали ва иншоотларида нормал сув сатҳини таъминлашни эътиборга олган ҳолда оқимнинг самарали гидравлик режими ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари Бухоро вилояти Аму-Бухоро машина канали бошқармасига қарашли АБ-1 ва АБ-2 насос станцияларини сув олиш ўзанининг ғадир-будирлиги ва морфометрик элементларини сув келтирувчи машина каналига таъсирини аниқлаш ва конструктив ечимларини инobatга олиб, оқим динамикасини баҳолаш асосида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумий қабул қилинган тадқиқот усулларида ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижалари мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифлар олган натижалари билан таққосланганлиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти насос станцияси сув келтирувчи машина каналларининг сув ўтказиш қобилиятини оширишни таъминловчи, уларнинг эксплуатация режимини яхшилашга имкон берувчи ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ва уларнинг ишлаш ишончлилигини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти насос станцияси сув келтирувчи машина каналлари ўзанларининг мақбул ўлчамларини танлашдан, насос станциясининг ишончли эксплуатациясини ҳисоблаш

усулларини ишлаб чиқиш ва қурилиш харажатларини камайтириш билан иқтисодий самарадорликка эришилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Насос станциянинг сув олиш канали ва иншоотида оқимни текис тақсимланишини гидравлик ҳисоблаш усуллари бўйича олинган натижалар асосида:

насос станциянинг сув келтирувчи машина каналлари такомиллаштирилган конструкцияси, оқимни текис тақсимланишини таъминлайдиган Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги “SUVLOYINA” лойиҳалаштириш институти Андижон вилояти давлат унитар ташкилотида лойиҳалаш жараёнига жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги №04/20-3619-сон маълумотномаси). Натижада, чеккадаги насосларнинг сув узатишини ошириш имкони яратилган, ўртадаги насоснинг сув узатиш миқдорига нисбатан 94,3% га сув узатиш имконияти яратилган;

насос станциянинг сув келтирувчи машина каналлари ва сув қабул қилувчи камералар мақбул параметрларини танлаш гидравлик ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Наманган вилояти насос станцияси ва энергетика бошқармасига қаршли насос станциясида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги №04/20-3619-сон маълумотномаси). Натижада, сув келтирувчи машина каналлар ва сув қабул қилувчи камералар мақбул параметрларини танлаш ҳисобига, гидравлик қаршиликлари камайган ва характеристикалари яхшиланган, уларнинг оқибатида насос агрегатларининг сув узатиши 2,7...3,2 % га, насос агрегатининг фойдали иш коэффициентини 2,09 % ошишига имкон яратилган.

Насос станциянинг сув келтирувчи машина каналини гидравлик қаршиликларини камайтириш ва аниқлаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Андижон вилояти насос станцияси ва энергетика бошқармасига қаршли “Бахт” насос станциясида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги №04/20-3619-сон маълумотномаси). Натижада, меъёрий ишлаш режими таъминланганлиги натижасида ресурстежамкорликни 2,1...4,3% га ортиш имконияти яратилган.

Насос станциянинг сув келтирувчи машина каналини оптимал кундаланг кесимини ва сув қабул қилиш бўлинмаларини конструктив ўлчамларини аниқлаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Фарғона вилояти насос станцияси ва энергетика бошқармасига қаршли насос станциясида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги №04/20-3619-сон маълумотномаси). Натижада, сув келтирувчи машина каналининг ва сув қабул қилиш бўлинмаларини гидравлик характеристикасини яхшилаш, қурилиш ва эксплуатация харажатларини камайтириш ва чеккадаги насосларнинг сув узатишини 2,6...3,1 % ортишига имкон яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 37 та илмий-техник, шу жумладан 15 та халқаро ва 22 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича 63 та илмий мақола чоп этилган, шулардан 1 та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 25 та, жумладан 13 та республика ва 12 та мақола Scopus базасида рўйхатдан ўтган хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешда боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 170 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида Ўзбекистон Республикасида ва жаҳонда ўтказилган илмий тадқиқот ишлари асосида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланди. Ишнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объектлари ва предметлари ифодаланди. Тадқиқот ишларининг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилди. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланди. Илмий ва амалий аҳамияти ёритилди. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган мақолалар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилди.

Диссертациянинг **“Очиқ каналларда напор йўқотилишини, исрофини аниқлаш учун мавжуд боғланишлар”** деб номланган биринчи бобида суғориш насос станцияларининг сув келтирувчи машина каналлари ва сув қабул қилувчи иншоотлари билан боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили келтирилган. Напорли каналларда ясси параллел турбулент оқимни тадқиқот этишда олинган натижалар, бу ерда фақатгина мос келувчи боғланишлар тузилишини белгилашга ва суюқлик очик ҳаракатининг шундай оддий ҳолатига аниқлик (яққоллик) киритишга имкон берадики, бунда ушбу ҳаракат ясси-параллел ёки бошқача айтганда ясси тубли чегарасиз катта кенгликдаги каналдаги ҳаракатга келтирилиши мумкин. Текис ясси каналларда турбулент равон очик сувнинг ҳаракатини ясси очик каналлардаги тадқиқотлар натижаларида  $\lambda_R$  коэффициенти учун, турли муаллифлар томонидан олинган боғланишлар, умумий кўриниши бўйича ўхшашдир, бу эса (1) формуладан яққол кўринади:

$$\frac{C}{\sqrt{2g}} = \frac{1}{\sqrt{\lambda_R}} = a \lg \operatorname{Re}_R \sqrt{\lambda_R} + b_r = a \lg C_r \operatorname{Re}_R \sqrt{\lambda_R}. \quad (1)$$

бунда, фақат  $a$ ,  $b_r$ ,  $c_r$  доимийларининг миқдорлариги бўйича фарқ қилади. (1) формуладаги  $b_r$  доимийсининг камайиши билан  $\lambda_R$  ортиб боради.

Канал туби ва деворларининг ҳар хил заррачали (қумли) сунъий ғадир будирликли тўғри бурчакли кўндаланг кесимли очик каналларда турбулент сув ҳаракатини кенг кўламда тадқиқот қилиш иш муаллифи А.П. Зегжда

томонидан бажарилган. Ушбу тадқиқот натижалари муаллифни қуйидаги боғланиш графигига олиб келди:

$$\lg \lambda_R = f\left(\lg Re, \frac{R}{\Delta}\right). \quad (2)$$

Қаршиликнинг квадратик сохаси учун муаллиф қуйидаги боғланишга келди:

$$\frac{1}{\sqrt{\lambda_R}} = 4 \lg \frac{R}{\Delta} + 4.25 = 4 \lg 11.5, \quad (3)$$

бу ерда;  $\Delta$  - абсолют, мутлақ донатор заррачали ғадир-будирлик (заррачалар диаметри, улар ҳар хил заррачали ғадир-будирлик яратиш учун канал туби ва деворлари юзасига бириктирилади).

Никурадзе ўз вақтида қувурларда қаршиликнинг квадратик сохаси учун қуйидаги боғланишни олди:

$$\frac{1}{\sqrt{\lambda_R}} = 4 \lg \frac{R}{\Delta} + 4.68 = 4 \lg 14.8 \frac{R}{\Delta} \quad (4)$$

А.П. Зегжда, Никурадзенинг экспериментал маълумотларига таяниб, очиқ оқимлар учун ушбу кўринишдаги боғланишни тавсия этган:

$$\frac{1}{\sqrt{\lambda_R}} = 4 \lg \frac{R}{\Delta} + 3.46 = 4 \lg 7.42 \frac{R}{\Delta} \quad (5)$$

Кўришиб турибдики, ҳар хил заррачали сунъий ғадир будирликли очиқ каналларда  $\lambda_R$  коэффициенти учун ҳар хил муаллифлар томонидан олинган боғланишлар қуйидаги кўринишга эга:

$$\frac{C}{\sqrt{2g}} = \frac{1}{\sqrt{\lambda_R}} = a \lg \frac{R}{\Delta} + b_3 = a \lg c_3 \frac{R}{\Delta}, \quad (6)$$

бунда ҳам,  $a$ ,  $b_3$ , ва  $c_3$  доимийларининг миқдорлари бири-бирдан фарқ қилади. Тадқиқотларда олинган  $a$ ,  $b_1$ ,  $c_1$  доимийларининг ҳар хил миқдорлари бизнинг фикримизча, энг аввало ушбу ишларда канал жонли кўндаланг кесимининг таъсирини тўлиқроқ эътиборга олинмаслигидадир. Бажарилган таҳлилларга асосланиб, диссертация ишининг асосий мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг «**Гидродинамик тенгламаларда гидравлик қаршиликнинг роли**» деб номланган иккинчи бобида суғориш насос станцияларининг сув келтирувчи машина каналлари ва иншоотларида сув оқими ҳаракатини математик ва чизиқли моделлаштиришни ишлаб чиқиш бўйича масалалар ва ўзан жараёнларини математик ва чизиқли моделлаштиришда гидравлик қаршиликга ўзан шаклининг таъсири кўриб чиқилган. Математик моделни тузишда насос станцияларининг машина каналлари ўзанларида оқим ҳаракатини шакллантирувчи асосий физик қонунларни ҳисобга олиш зарур.

Реал объектларни тадқиқот қилишда, шунингдек оқимнинг қониқарли тарқалишини таъминловчи сунъий ғадир-будирлик элементларини танлаш учун санокли гидравлик экспериментларда туб анизотропияли ҳолатда Сен-Венан тенгламаси ишлатилади. Оқимнинг беқарор ҳаракатида унинг

параметрлари динамикасини ўрганиш учун насос станцияси каналларида сув оқимининг ҳаракатини ифодаловчи масса ва куч импульсини сақланиш қонунига асосланган гидродинамика тенгламалари ёрдамида математик модел яратилди. Гидрадинамик тенгламаларини ечиш учун қулай шаклда ёзишда қуйидаги чекланишлар қабул қилинди:

- оқим чуқурлиги бўйлаб босим тақсимланиши гидростатик қонуниятга бўйсунди;

- оқимнинг беқарор ҳаракатида гидравлик ишқаланиш барқарор ҳаракатдаги каби қабул қилинади.

- сув оқими эркин сатҳи оқимга йўналишда олинган кўндаланг текисликка нисбатан горизонтал вазиятда бўлади.

- Кориолис коэффициенти ҳисобий кесимларда ўзгармас.

Чегаравий шартлар қабул қилиниб, айрим математик амалларини бажаргандан сўнг тенглама қуйидагича кўринишини олади:

$$\begin{cases} \frac{\partial \omega}{\partial t} + \frac{\partial Q}{\partial x} = 0, \\ \frac{\partial Q}{\partial t} + \frac{\partial Q^2 / \omega + gS}{\partial x} - g \frac{\partial S}{\partial x} \Big|_{Z_{fs} = \text{const}} + \frac{\lambda}{2} v^2 \times \chi = 0, \end{cases} \quad (8)$$

бунда,  $t$  – вақт;  $x, y$  – мос равишда ўзанинг узунлик ва кўндаланг кесим ўлчамлари;  $\alpha$  – тезлик эпюраси шаклини инобатга олувчи ҳаракат миқдори тузатмаси;  $g$  – оғирлик кучи таъсиридаги тезланиш;  $Q$  – қаралаётган кесимдаги оқим сарфи  $\omega$ –ҳаракатдаги кесим юзаси;  $S$  – оқим сатҳига нисбатан ҳаракатдаги кесим юзаси статик моменти,  $S = \omega h_{\text{OF.M.}}$ ;  $h_{\text{OF.M.}}$  – қаралаётган ҳаракатдаги кесим юзаси оғирлик маркази чуқурлиги;  $Z_{fs}$  – оқим сатҳи координатаси;  $B$  – ўзан кўндаланг кесими бўйича кенглиги;  $\chi$ –хўлланган периметр;  $\lambda$ –ўзан гидравлик қаршилиги коэффициенти. Сен-Венаннинг услуги бўйича ечимларга биноан насос станциясининг машина канали ўзанларида оқим ҳаракатининг функционал ифодасини келтириб чиқариш мумкин. Келтирилган ҳаракатни таснифловчи параметрларни асосий ўлчамли кўчиришлардан тузилган функционал шаклда берилган очик ўзандаги суюқлик очик ҳаракатининг умумий тенгламасини қуйидаги кўринишда келтириш мумкин:

$$F(l_1, l_2, \Delta, v, F, \rho, G, v) = 0 \quad (9)$$

Тенгламага киритилган параметрлар уч категорияга киради:

- чегаравий шартлар (оқим жонли кўндаланг кесимининг стандарт чизикли ўлчами  $l_1$ , ғадир будирлик бўртмаси баландлиги  $\Delta$ ) билан аниқланадиган ҳарактерли чизикли ўлчамлар;

- оқимнинг кинематик ва динамик ҳарактеристикалари (ўртача тезлик  $v$ , гидравлик қаршилик кучи  $F$ , оғирлик кучи  $G$ );

- суюқликнинг физик хоссалари (зичлик  $\rho$ , ёпишқоқлик  $\nu$ ).

$\lambda$  – теоремасидан фойдаланиб, барча ўзгарувчан ўлчамли катталикларни ўлчамсиз комплексларга гурухлаштириб, 9-боғланишга янада аниқроқ кўриниш бериш мумкин. Очiq ўзанда суюқликнинг текис равон ҳаракатини тавсифловчи ўлчамли катталикларни тахлили натижасида олинган параметрларни кўзда тутиб, улар қуйидагиларни ўзида акс эттиради:

- Гидравлик ишқаланиш коэффиценти  $\lambda$ ;
- Рейнольдс сони  $Re$ ;
- Фруд сони  $Fr$ ;
- Нисбий ғадир – будирлик  $\Delta/R$ ;
- Канал шакли параметри  $l_1/l_2$ .

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, 9-тенгламани қуйидаги шаклда келтириш мумкин:

$$\lambda = f\left(\frac{l_1}{l_2}; \frac{\Delta}{R}; Fr; Re\right) \quad (10)$$

ёки:

$$\lambda = f\left(\Phi; \frac{\Delta}{R}; Fr; Re\right) \quad (11)$$

бунда:  $\Phi = f\left(\frac{l_1}{l_2}\right)$  - каналнинг ҳаракатдаги кесимига боғлиқ функция.

Табиийки, бир вақтда ишлатиладиган кўп сонли ўзгарувчан катталиклар ичидан гидравлик ишқаланиш коэффицентининг функционал боғланишини излаб топиш қийин масаладир. Ушбу ўзгарувчан микдорлар суюқлик ҳаракатининг шароитларига боғлиқ холда  $\lambda$  га ҳар хил даражада таъсир этиши мумкин.

Агар, масалан, каналлардаги (силлиқ ва ғадир-будирликли юзага яқин бўлган ҳар хил ҳаракатдаги кесим шаклли) оқимларнинг бутун бир қатор гидравлик параметрларини тинч, турғун режим шароитларида ( $Fr \ll 1$ ) да ўзаро кўриб чиқсак ва таққосласак, унда бу ҳолатда 11-тенглама қуйидаги кўринишга келади:

$$\lambda = f\left(Re; \frac{\Delta}{R}; \Phi\right) \quad (12)$$

12-боғланишнинг адолатли эканлигини тасдиқлаш мақсадида ўзан кўндаланг кесимининг оддийроқ шакллари кўзда тутиб, уларнинг кўндаланг кесимининг мураккаброк шакллари билан тавсифланадиган гидравлик қаршилик учун олдин формулани келтириб чиқаришни келтирдик.

Трапецеидал шаклга эга бўлган каналларда напор йўқотилишини аниқлаш учун формулани келтириб чиқаришда иккита ҳолатни кўриш мумкин: 1) берилган трапецеидал шаклнинг ички бурчаклари биссектриссалари каналнинг ҳаракатдаги кесимидан юқорида жойлашганда ва; 2) берилган трапецеидал шаклнинг ички бурчаклари биссектриссалари каналнинг ҳаракатдаги кесими ичида жойлашганда.

**1) берилган трапецеидал шаклнинг ички бурчаклари биссектриссалари каналнинг ҳаракатдаги кесимидан юқорида**


**жойлашган ҳолат:** расм -1 да канал кесимининг ички бурчаклари  $\psi_1$  ва  $\psi_2$  билан, асосининг узунлиги  $B_0$  билан, чуқурлиги эса  $h$  билан белгиланган. Каналнинг ҳаракатдаги кесимини чексиз кичик энли  $dy$  зоналарга бўлиб чиқилади, бунда шу берилган зоналарнинг барча қисми девордан бир хил  $y$  минимал масофада жойлашилади. Зоналарнинг биридаги  $P$  нуқтадаги тезликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\frac{u}{\bar{u}_*} = a + b \ln\left(\frac{yu_*}{\nu}\right) - K_f \frac{\bar{u}}{\bar{u}_*}, \quad (13)$$

бу ерда:  $y$  - нормал бўйича девордан  $P$  нуқтагача булган масофа,  $u_*$  -  $P$  нуқтадан нормал асосидаги уринма кучланишга жавоб берувчи маҳаллий динамик тезлик.

$K_f \frac{\bar{u}}{\bar{u}_*}$  - эркин сатхнинг таъсирини ҳисобга олувчи тузатма,  $\bar{u}$  - ҳаракатдаги кесимдаги ўртача тезлик,  $u_*$  - қаттиқ чегара бўйича ўртача динамик тезлик. Кўриниб турибдики,  $y$   $P$  нуқтасининг жойлашишига боғлиқ. Маҳаллий динамик тезликнинг ўртача динамик тезликга нисбати  $u_*$  ни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{u_*}{\bar{u}_*} = 1 + K_* \quad (14)$$



**1-расм. Биссектрисаларнинг трапецеидал канал ҳаракатдаги кесими устида кесишиш ҳолати.**

13-боғланишдаги  $u_*$  ни, унинг 14-боғланишдаги қиймати билан алмаштирсак, қуйидагиларни куриш мумкин:

$$\frac{u_*}{\bar{u}_*} = a + b \ln \frac{\bar{u}_* y}{\nu} + b \ln \frac{\bar{u}_*}{\bar{u}_*} - k_f \frac{u}{\bar{u}_*} \quad (15)$$

ва  $b \ln \frac{\bar{u}_*}{\bar{u}_*} = k_* \frac{u}{\bar{u}_*}$  даги  $k_*$  қатнашган кичик катталикларни ташлаб юборсак, қуйидагини куриш мумкин:

$$\frac{u_*}{\bar{u}_*} = a + b \ln \frac{\bar{u}_* y}{\nu} - (k_f - k_*) \frac{u}{u_*} \quad (16)$$

16-боғланишни силлиқ юзали каналларда тезликлар тарқалишининг аниқ қонуни деб аташ мумкин. Агар ламинар остки қатламдаги оқимни эътиборга олмасак, унда ҳаракатдаги кесим орқали тўлиқ сув сарфи қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Q = v * \omega = \int_0^h ub(y)dy = \int_0^h u d\omega. \quad (17)$$

ва бунда:  $d\omega = b(y)dy$  ни ифодалайди, бу ерда,  $Q$  – каналдаги сув сарфи;  $v = u$  – оқимнинг ўртача тезлиги;  $b(y)$  – каналнинг ҳаракатдаги кесими юзаси; ҳар қандай зонанинг узунлиги  $b(y)$  қуйидагича ифодаланади:

$$b(y) = \chi - \varphi y, \quad (18)$$

бунда:  $\chi$  - хўлланган периметр;  $\varphi$  – бурчакларнинг биссектрисалари кесишадиган нуқтанинг жойлашишига боғлиқ бўлган бурчаклар функцияси, ва ички бурчаклар биссектрисаларининг кесишиш нуқтаси каналнинг ҳаракатдаги кесими юқорисида жойлашган ҳолатда  $\varphi$  қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\varphi = ctg \psi_1 + ctg \psi_2 + 2 \cos ec \psi_1 + 2 \cos ec \psi_2 \quad (19)$$

Ҳаракатдаги кесим юзаси  $\omega$  қуйидагича аниқланади :

$$\omega = \int_0^y d\omega = \int_0^y b(y)dy \quad (20)$$

20-боғланишдаги  $b(y)$  нинг қийматини 21-боғланишга қўйиб ва интеграллаб, қуйидагига эга бўлинди:

$$\omega = \int_0^h (\chi - \varphi y)dy = \chi h - \frac{\varphi h^2}{2}. \quad (21)$$

Оқимнинг ўртача тезлиги қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$v = \frac{1}{\omega} \int_0^h u d\omega = \frac{1}{\omega} \int_0^h ub(y)dy. \quad (22)$$

Охириги ифодадан ва тенгламадан қуйидаги (23) келиб чиқади :

$$\begin{aligned} \frac{u}{u_*} &= \frac{1}{\omega} \int_0^h \left[ a + b \ln \frac{u_* y}{\nu} - (k_f - k_*) \frac{u}{u_*} \right] d\omega = \frac{1}{\omega} \left[ \int_0^h a d\omega - \int_0^h (k_f - k_*) \frac{u}{u_*} d\omega + \int_0^h b \ln \frac{u_* y}{\nu} d\omega \right] = \\ &= \frac{1}{\omega} \left[ \int_0^h a d\omega - \frac{u}{u_*} \int_0^h (k_f - k_*) d\omega + \int_0^h b \ln \frac{u_*}{\nu} d\omega + \int_0^h b \ln y d\omega \right] \end{aligned} \quad (23)$$

белгилашдан кейин,

$$a_k = \frac{1}{\omega} \int_0^h a d\omega ; k = \frac{1}{\omega} \int_0^h (k_f - k_*) d\omega \quad (24)$$

(24) тенгламага кирувчи хадларни қуйида келтирилганидек ҳисоблаб ва келтирилган формулалардан фойдаланиб қуйидагилар олинади ва бунда:

$$\frac{u}{u_*} = a_k - K \frac{u}{u_*} + b \ln \frac{u_*}{\nu} + b \ln h - b - \frac{\varphi b h^2}{4\omega} = a_k - b + b \ln \frac{u_* h}{\nu} - \frac{\varphi b h^2}{4\omega} - \frac{\varphi b h^2}{4\omega} - K \frac{u}{u_*} \quad (25)$$

Агар (25) тенгламадаги логарифмли хаддаги  $h$  ни гидравлик радиус  $R$  билан алмаштириб,  $h = h_* R / R$  ўрнига қўйиш йўли билан ёки шундай қилиб:

$$b \ln \frac{u_* h}{\nu} * \frac{R}{h R} = b \ln \frac{u_* R}{\nu} + b \ln \frac{h}{R} \quad (26)$$

ва  $\Phi$  орқали куйидаги тенгликни белгиласак,

$$\ln \frac{h}{R} - \frac{\phi h^2}{4\omega} = \Phi \quad (27)$$

унда силлиқ юзали туб ва қияликли трапецеидал шаклдаги каналда оқимнинг ўртача тезлиги учун ифода  $u = v$  ва  $u_* = v_*$  қабул қилинишлар билан куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\frac{v}{v_*} = a_{2\eta} - b + b \ln \left( \frac{Rv_*}{v} \right) + b\phi - K \frac{v}{v_*} \quad (28)$$

Агар каналнинг туби ва қияликлари ғадир-будирликли бўлса, (28) тенгламадаги  $a_{2\eta}$  ни  $a\omega$  га алмаштириш зарур, унда бундай каналда ўртача тезлик учун тенглама куйидаги кўринишга келади:

$$\frac{v}{v_*} = a_\omega - b + b \ln \left( \frac{R}{\Delta} \right) + b\phi - K \frac{v}{v_*} \quad (29)$$

**Кўндаланг кесими бошқача шаклли ўзанлар.** Агар бошқача тўғри кесимли каналларда ўртача тезликни юқорида тушинтирилганидек тарзда ҳисобланса, кўриш мумкинки, ушбу ҳолатда ҳам ўртача тезлик учун ифода трапецеидал кесим учун (28) ва (29) тенгламалар олинган худди шундай кўринишга эга бўлади, фақат « $\Phi$ » ва « $K$ » каналнинг кўндаланг кесим геометриясига боғлиқ ҳолда ўзгаради (кесимдан кесимгача). Юқорида келтирилганларни инобатга олиб, (28) ва (29) тенгламаларни доимий кесимли ва нишабликли каналларда оқимнинг ўртача тезлигини аниқлаш учун рационал тенгламалар деб ҳисоблашимиз мумкин. Ҳисоблар кўрсатадики, учбурчакли кўндаланг кесимли каналларда  $\Phi$  катталиги сув чуқурлигига боғлиқ эмас, бу ҳолатда  $\Phi = 0,19$ . Тўртбурчакли кўндаланг кесимли каналлар учун  $\Phi$  нинг ифодаси куйидаги кўринишга келади:

$$\Phi = \ln \left( 1 + \frac{2h}{B_0} \right) - \frac{h}{B_0}, \quad (30)$$

(30) боғланишдан ярим айланали кўндаланг кесимли каналлар учун:

$$\Phi = \int_0^h \left[ \ln \left( \frac{y}{R} \right) \right] * \frac{B_0}{R} * \frac{dy}{\chi} + 1,0 \quad (31)$$

« $\Phi$ » функцияси каналнинг жонли кўндаланг кесими шаклига боғлиқ бўлиб, ушбу шаклнинг тавсифи ҳисобланади. « $K$ » коэффициенти тўғрисида ҳозирча кам маълумот мавжуд. Шунга қарамадан, олдиндан айтиш мумкинки, у ҳам каналнинг жонли кўндаланг кесими шаклига боғлиқ, лекин унинг катталиги, айниқса максимал тезликни флуктуация билан сўндириш катта бўлмаган ҳолатларда сезиларсиз бўлади. Таклиф этадиган услубга мувофиқ ва Келеганнинг услуби бўйича трапецеидал ва тўғри кўндаланг кесимли бошқа шаклдаги каналлар учун гидравлик қаршилик формулаларини куйидаги кўринишда келтириш мумкин:

$$\frac{1}{\sqrt{\lambda}} = \frac{1}{\psi \sqrt{2}} \left( \ln \frac{\eta_\Lambda R}{\delta_\Lambda} - 1 + \ln \frac{h}{\eta_\Lambda R} - \frac{\xi h^2}{4\omega} \right) \quad (32)$$

Шундай нисбат эгри чизиқли кўндаланг қирқимли каналлар учун В.Т.Чоу бўйича ҳам мос келади. 32-формулада қуйидагилар қабул қилинган:  $\psi$  – Карман доимийси;  $\psi = 0,4$ ;  $\eta_\Lambda$  - ёпишқоқ қатлам ости учун Рейнольдс сони;  $\eta_\Lambda = \delta_\Lambda V_{*0}/V$ ;  $\delta_\Lambda$  = қатлам ости қалинлиги;  $h$  – каналнинг тўлдирилиш чуқурлиги;  $\xi$  бу  $b(y) = \chi - \xi y$  нисбатдаги каналнинг шакли функцияси;  $\chi$  – ҳўлланган периметр ;  $\omega$  - каналнинг ҳаракатдаги кесим юзаси. 32-формула ҳам силлиқ ( $\eta_\Lambda = 1/9$ ) ва ғадир-будирликли каналлардаги суюқликнинг ҳаракати учун ҳам тўғри келади ( $\eta_\Lambda = 1/30$ , ундан ташқари  $\eta_\Lambda = \delta / \Delta_0$ ). Ушбу формуладаги учинчи ва охириги хадлар канал ҳаракатдаги кесими шаклининг гидравлик қаршилигига таъсирини ҳисобга олади. Аммо, 32-формулада эркин юзанинг тезлик ва напор йўқотилишларининг тақсимланишига таъсири тулик кўламда ҳисобга олинмайди. 32-формулани келтириб чиқаришда йўл қўйилган бошқа қўйилмаларни инобатга олиб, айтиш жоизки, 32-формула канал гидравлик қаршилигининг унинг ҳаракатдаги кесим шаклига боғлиқлигини аниқловчи хадларининг умумий кўринишинигина назарда тутишга имкон беради. Мувофиқ келувчи боғланишнинг муайян кўриниши эса фақат мос келувчи экспериментал маълумотларни кўриб чиқишдан ўрнатилиши мумкин.

Диссертация ишининг учинчи бобида **"Ҳар хил ғадир будирли ва кўндаланг кесимли шакллардаги лотокларда ўтказилган тажрибалар келтирилади (ҳисоблаш канал оқими чуқурлиги " h " орқали амалга оширилади)"** ушбу ҳар хил ғадир будирли ва кундаланг кесим шаклидаги лотокларда ўтказилган тажрибалар ва ҳисобий ишлар, асосан иш муаллифи томонидан амалга оширилган тажрибаларни ўз ичига олади ва тавсифлайди.

Экспериментал текширишни тавсифлашининг амалий имконсизлиги, каналлар кесимининг барча хилма хиллигини ва намланган сиртнинг ғадир будирлигини ва уларнинг напор йўқолишига таъсирини аниқлаш учун, илмий адабиётларда келтирилган Базеннинг баъзи бир экспериментал тадқиқотларидан фойдаланилган. Шунга мувофиқ, Базеннинг очиқ лотокларидаги классик тажрибаларини синчковлик билан ўрганиб чиқдик, сўнгра Базен томонидан олинган экспериментал маълумотларни, бизнинг тажрибамаизнинг биринчи босқичи маълумотлари билан бир оз тўлдирилди ва ҳар хил ғадир будирли кундаланг кесими тўртбурчак ва трапеция шаклида бўлган лотокларда тадқиқот тажрибалари кенгайтирилиб ўтказилди. Бу бўлимда, "λ" гидравлик ишқаланиш коэффицентини аниқлаш учун барча ҳисоб-китоблар канал оқимининг чуқурлиги " h " орқали амалга оширилади.

Диссертациянинг **«Насос станцияларининг сув келтирувчи машина каналлари ва иншоотлари гидравлик қаршилиқларининг экспериментал ва дала тадқиқотлари тажрибалари натижалари»** деб номланган туртинчи бобида, насос станцияларининг сув келтирувчи машина каналлари ва иншоотлари гидравлик қаршилиқларининг экспериментал ва дала тадқиқотлари тажрибалари натижалари келтирилган.

Тўғри бурчакли ва трапецеидал кўндаланг кесимли очиқ каналлар моделларида вазифаларга мувофиқ тажрибалар олиб борилди. Шунингдек, экспериментал маълумотларни тўлдириш учун тўғри бурчакли, трапецеидал ва


ярим айлана кўндаланг кесимли, ҳар хил ғадир-будирликли очик каналлар моделларида Базеннинг мос келувчи тажрибалар сериясидан фойдаланилди.

Туби ва деворлари юзасининг ғадир – будирлиги икки хил: силлиқга яқин бўлган (силлиқ шувоқланган) ва юзасига диаметри  $d = 5-7$  мм бўлган гравий ёпиштирилган бўлган каналлар тадқиқот қилинди. Юқорида келтирилган тўғри бурчакли ва трапецеидал кўндаланг кесимли экспериментал каналларда 4 та тажрибалар серияси жамлаштирилди. Уларнинг ҳар биттасида 14–16 тажриба нуқталари олинди, канал тубининг доимий нишаблиги  $i = 0,001$ . Бунда каналдан 14- 16 (одатда 16) ҳар хил сув сарфлари ўтказилди, улар 4 л/с. дан 250 л/с. гача ўзгартирилди. Рейнольдс сонлари  $Re = 6400-124000$  чегараларда ўзгарди, Фруд сони эса  $Fr < 1,0$  бўлди. Гидравлик радиус ҳар бир тажриба сериясида 1,72 дан 19,45 см. ораликда ўзгарди. Ҳар бир тажрибада сув сарфи, ҳарорати ва оқим чуқурлиги ўлчанди.  $Fr < 1,0$  барча тажрибаларда текис, равон оқимнинг нормал чуқурлиги аниқланди. Диссертация ишида экспериментал тадқиқотлар натижаларини далага қайта ҳисоблаш критериялари ишлатилди. Булар билан бирга экспериментал каналнинг геометрик ўлчамлари моделлаштириш миқёсларини ҳисобга олиб, реал объект параметрлари асосида қайта ҳисоблаб чиқилди. Экспериментал тадқиқотлар асосида сув оқимининг вертикал тезликларининг тақсимланиши, шунингдек, АБМК машина канали даладаги маълумотлари (АБ-1 каналида сув сарфи  $Q=75$  м<sup>3</sup>/с ва АБ-2 каналида эса  $Q=150$  м<sup>3</sup>/с ни ташкил этди) далада машина каналда сув тезлиги юқори ва  $v = 3,2 \div 4,52$  м/с га тенг, экспериментал ва дала шароитларида олинган маълумотлар ўхшаш натижаларни берди.

Ундан ташқари, Базен тажрибаларининг қуйидаги сериялари қайта ишлаб чиқилди: серия №2 (тўғри бурчак шаклидаги кўндаланг кесимли канал: канал туби ва деворлари юзаси силлиқ цемент); серия № 24 (ярим айлана шаклидаги кўндаланг кесимли канал: канал туби ва деворлари юзаси силлиқ цемент); серия № 6 (тўғри бурчак шаклидаги кўндаланг кесимли канал: канал туби ва деворлари юзаси тахта доскалар); серия №26 ва серия №4 (тўғри бурчак шаклидаги кўндаланг кесимли канал: канал туби ва деворлари юзаси – гравий  $d = 0,01-0,02$  м.); серия № 27 (ярим айлана шаклидаги кўндаланг кесимли канал: канал туби ва деворлари юзаси – гравий  $d = 0,01 - 0,02$  м.). Гидравлик ишқаланиш коэффициентини  $\lambda$  ва Рейнольдс сонини аниқлаш Базен тажрибаларининг барча сериялари учун ҳам одатдаги боғланишлар бўйича амалга оширилди. Сўнгра, тажрибаларимизнинг экспериментал маълумотлари бўйича ва Базен тажрибаларининг берилган сериялари маълумотлари бўйича ҳар бир аниқланган гидравлик радиус  $R$  учун ғадир-будирлик бўртмаларининг баландлиги тескари йул билан, гидравлик ишқаланиш коэффициенти  $\lambda$  нинг маълум бўлган қийматларида аниқланди. Тажрибалар №1,3, №7,8 сериялар бўйича ва Базеннинг № 2, № 24, № 6, № 26, № 3, № 7, № 21, № 23 сериялари бўйича маълумотларини мос равишда қайта ишлаш натижалари 4.4 – 4.16 - жадвалларда иловада келтирилган ва расмлар 4.1 - 4.6 да графикларда келтирилган.

Нисбий ғадир-будирликнинг кичик қийматларида, яъни силлиқ юзага яқинроқ қаршиликли ораликда тўғри бурчакли ва ярим айлана кўндаланг


кесимли каналлар учун  $\lambda$  лар орасидаги фарқ 14 – 18% ни ташкил этади,  $\Delta/R$  нисбат ошиши билан  $\lambda$  лар орасидаги фарқлар 32 – 46% гача ортади.




2-расм. R га нисбатан  $\lambda_R$  боғланиши.

Базен тажрибалари, серия № 24, ярим айланали каналлар, канал туби ва деворлари юзаси – силлиқ бетон ва № 6, 26 сериялар, тўғри бурчакли ва ярим айланали каналлар, канал туби ва деворлари юзаси – ёғоч тахтали, муаллиф тажрибалари, серия № 3,7, тўғри бурчакли ва трапециедал каналлар, канал туби ва деворлари юзаси – гравий  $d = 5-7\text{мм}$ .





а)



б)




3 - расм.  $\lambda_R = f(R)$  ва  $\lambda_R = f(Re_R)$  боғланишлари




4-расм.  $\Delta_R = f(R)$  ва  $\lambda_R = f(R)$  боғланишлари


а)




б)



в)




г)




5-расм.  $\lambda_R = f(Re_R)$ ,  $\Delta_z/\Delta_R = f(R/\chi)$  ва  $\frac{\lambda_{n\lambda}}{\lambda} = f\left[R/\chi \left(\frac{\lambda_{n\lambda}}{\lambda}\right)^3\right]$  боғланишлари

Базеннинг ҳар хил геометрик шаклдаги тўғри кўндаланг кесимли (тўғри бурчакли, трапецеидал, учбурчак, ярим айлана) каналлардаги экспериментал маълумотлари, шунингдек ушбу ишда тўғри бурчакли ва трапецеидал каналларда оқим тўғрисидаги экспериментал маълумотлар, ҳар хил геометрик шаклдаги каналларда сув оқими тўғрисидаги адабиётлардаги чоп этилган баъзи бир маълумотлар натижалари  $[R/\chi(\lambda_{пл}/\lambda)^3; \lambda_{пл}/\lambda]$  координаталарда қуйидаги графикда умумлаштирилди (7 расм). Кўрсатилган каналларда олиб борилган тажрибаларни қайта ишлаш натижалари 1-илованинг 16-29 жадвалларида келтирилган.


а)




б)



в)




г)



6 - расм.  $\frac{\lambda_{пл}}{\lambda} = f \left[ R/\chi \left( \frac{\lambda_{пл}}{\lambda} \right)^3 \right]$  боғланиши

Базеннинг ҳар хил геометрик шаклдаги тўғри кўндаланг кесимли (тўғри бурчакли, трапецеидал, учбурчак, ярим айлана) каналлардаги экспериментал маълумотлари, шунингдек ушбу ишда тўғри бурчакли ва трапецеидал каналларда оқим тўғрисидаги экспериментал маълумотлар, ҳар хил геометрик шаклдаги каналларда сув оқими тўғрисидаги адабиётлардаги чоп этилган баъзи бир маълумотлар натижалари  $[R/\chi(\lambda_{пл}/\lambda)^3; \lambda_{пл}/\lambda]$  координаталарда қуйидаги графикда умумлаштирилди (расм 7). Кўрсатилган каналларда олиб борилган тажрибаларни қайта ишлаш натижалари 1-илованинг 16 – 29 жадвалларида келтирилган.



Кўрсатилган графикда (7-расм) Базен, Л.И.Неронова, Ю.П. Титов, Н.Д.Касьянова ва ушбу иш муаллифининг экспериментал маълумотларига мос келувчи нуқталар қуйидаги кўринишга эга бўлган тўғри чизик атрофида етарлича яхши жойлашади:

$$\frac{\lambda_{пл}}{\lambda} = R/\chi\left(\frac{\lambda_{пл}}{\lambda}\right)^3 + 1.0. \quad (33)$$

Бундан  $\lambda$  катталиги учун қуйидаги кубик тенглама келиб чиқади.

$$\lambda^3 - \lambda_{пл}\lambda^2 + R/\chi * \lambda_m^3 = 0, \quad (34)$$

бу ерда:  $\lambda$  - гидравлик ишқаланишнинг изланаётган коэффиценти;  $\lambda_{пл}$  - ясси оқимнинг гидравлик ишқаланиш коэффиценти;  $R$  – гидравлик радиус;  $\chi$  - ҳўлланган периметр. (34) тенглама  $\lambda_{пл}$ ,  $R$  ва  $\chi$  ларнинг маълум бўлган қийматларида катталикга нисбатан ечилиши мумкин. (34) тенгламанинг ечимини кўриб чиқамиз. (34) тенгламанинг дискриминанти  $y^3 + 3pg + 2q = 0$  кўринишга келтирилган дискриминанти бу ерда  $y = \lambda - \lambda_{пл}/3$ ;

$R/\chi = 4/27$  да нолга айланади.  $R/\chi > 4/27$  да дискриминант нолдан катта бўлади ва куб тенгламаси битта ҳақиқий ечимга эга бўлади:

$$\lambda = \lambda_{nl} \left[ \sqrt[3]{\sqrt{\frac{1}{4}\left(\frac{R}{\chi} - \frac{2}{27}\right)^2 - \frac{1}{9^3}} - \frac{1}{2}\left(\frac{R}{\chi} - \frac{2}{27}\right)} - \sqrt[3]{\sqrt{\frac{1}{4}\left(\frac{R}{\chi} - \frac{2}{27}\right)^2 - \frac{1}{9^3}} + \frac{1}{2}\left(\frac{R}{\chi} - \frac{2}{27}\right)} \right] \quad (35)$$

$R/\chi < 4/27$  да дискриминант нолдан кичик ёки нолга тенг бўлади. Бу ҳолда (35) тенглама 3 та ҳақиқий ечимга эга бўлади, улардан қаралаётган масаланинг шартларини (ўтказилган таҳлил кўрсатганидек) фақат қуйидаги кўринишдаги ечим қаноатлантиради:

